

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ



Руйхатга олинди: №БД-5120300-3.01  
2019 йил "17" 08

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ВА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000 -Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000 -Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120300 - Тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича)

Тошкент 2019

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2019 йил “ 17 ” \_\_\_\_\_ 08 \_\_\_\_\_ даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 04 10 - даги 852 сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Шоназаров Ш.Б - Археология кафедраси катта ўқитувчиси

Очилдиев Ф.Б - Археология кафедраси доценти

**Такризчилар:**

Мавлонов Ў.М - ТИМИ “Гуманитар фанлар кафедраси профессори”

Очилдиев Ф.Б - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети археология кафедраси доценти.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия килинган (2019 йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги “ \_\_\_ ”- сонли баённома)

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ушбу дастур “Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари” фанининг тарих фани тизимида тутган ўрни, фаннинг мақсади, вазифалари ва предмети, тадқиқот объектлари, фанининг шаклланиши ва ривожланиши, дастлабки илмий жамиятларининг ташкил қилмниши ҳамда уларнинг фаолияти, жамият тараққиёти босқичлари, тарихий ўлкашуносликнинг турлари, илмий яъни давлат ўлкашунослиги, жамоат ўлкашунослиги, мактаб ўлкашунослиги, Ватанимизнинг географик ўрни ва табиати, тарихий ўлкашуносликда археологик, меъморчилик, этнологик, антропологик, топонимик, ёзма ва архив манбаларининг аҳамияти, музей манбаларидан фойдаланиш ва улардан ўлкамиз тарихини ўрганишдаги аҳамияти.

Ўлкамизда шаҳарсозлик урбанизацияси ва давлатчиликнинг қарор топиши. Ўлкамизда қадимги давлатлар ва шаҳарлар тўғрисида ёзма манбалар, Ватанимизнинг жанубий ҳудудларида қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти, ўрта асрлар даврида яратилган манбаларда “шаҳар” тушунчаси. X-XII асрларда шаҳар маданиятининг равнақи, Амир Темур ва темурийлар даврида шаҳарсозликнинг ривожланиши, сўнгги ўрта асрларда ўлкамизда урбанизация жараёнларнинг тараққий этиши каби жиҳатларни ўрганишга этибор қаратилган. Шунингдек, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, уларда мустақил фикрни қарор топтириш, тарихни мукамал даражада билиш, ҳар бир ёш авлодда ўз ўлкаси тарихини ўрганиш ва ватанни севиш ҳиссини ўйғотиш, бугунги кунда ўлкамизда олиб борилаётган барча хайрли ишларни ёшлар онгига сингдириш, ўз тупроғи, Она замин ва ўлкасини кадрлашга ундаш каби масалаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

## **II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда Ватанимиз тарихига оид билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - ўлкамизнинг қадимги тарихи ва унинг асосий босқичларини, давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти, топонимик маълумотлар ва уларнинг хронологияси, ўлка тарихини ўрганишда археологик, этнологик, ёзма ва архив маълумотлани, X-XII асрларда шаҳар маданиятининг равнақи, сўнгги ўрта асрларда ўлкамизда урбанизация жараёнларнинг тараққий этиши кабиларни ўргатишдан иборат.

“Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

– Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари курсининг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари, дастлабки илмий ташкилотлар, XIX - XX асрда ўлкашунослик ишлари, ўлка тарихини ўрганишда археологик, этнологик, ўлкамизда шаҳарсозлик урбанизацияси ва давлатчиликнинг қарор топиши, Ватанимизнинг жанубий ҳудудларида қадимги шаҳар маданиятининг шаклланиши ва тараққиёти, сўнгги ўрта асрларда ўлкамизда урбанизация жараёнларнинг

тарақий этиши каби маълумотларидан илмий мақсадларда фойдаланишни **билиши** керак;

– талаба тарихий маълумотларни илмийлик, тарихийлик, холислик асосида ўрганиши, музей ашёлари ва интернет маълумотларини ҳамда ёзма ва археологик манбаларни мустақил тадқиқ қилиши, ҳамда мустаҳкам **кўникмаларга эга бўлиши** керак;

– археология музейи, археологик манбалар тавсифлари, архив, илмий тадқиқот институтлари материалларидан фойдаланиш **малакаларига эга бўлиши** керак.

“Тарихий ўлкашунослик урбанизация жараёнлари” фани умумқасбий фан ҳисобланиб, 3-4 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш, ўқув режасида режалаштирилган тарих, археология, этнология, география, экология каби фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида ўзбек халқи ва унинг давлатчилигини тарихини холисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, ўзбек давлатчилигининг ҳаққоний тарихини тарихий манбалар асосида ўрганиш вазифаси белгиланган. Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнларни ўрганишда юқоридаги таъкидланган маълумотлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Уларни тадқиқ этиш, ўрганиш орқали кўплаб маълумотларни қўлга киртишимиз мумкин.

Талабалар тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари фанини ўзлаштириш учун уларга ўқитишнинг илғор усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, жадваллардан фойдаланилади.

Дастурда берилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари мустақил иш сифатида талабаларга ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиялардан ҳисобланган “Ақлий хужум”, “Кластер”, “Нима учун”, “Ассесмент”, “Блиц ўйин”, “Инсерт”, “SWOT –таҳлил” методи ва бошқа усуллардан фойдаланиб дарслар олиб борилади.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

#### **1-мавзу. Фаннинг предмети, тадқиқот доираси, мақсади ва вазифаси**

Тарихий ўлкашунослик фанининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши. Авесто ва қадимги манбаларда ўлкамизнинг номлари. Араб манбаларида ўлкамиз ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг аҳамияти. IX-XII асрларда ўлкадаги сиёсий ва иқтисодий ҳаёт. Амир Темур ва темурийлар даврида ўлкамиз. Шайбонийлар даврида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. Хонликлар даври ўлкашунослиги. Тарихий ўлкашуносликнинг тарих фани тизимида тутган ўрни. Тарихий ўлкашунослик фанининг тадқиқот объектлари, Туркистонда дастлабки илмий жамиятларнинг ташкил этилиши, Тарихий ўлкашунослик фанининг ривожланишида илмий жамиятларнинг ўрни. Россиясия

империясининг ўлкамиздаги мустамлакачилик сиёсати ва ўлкани ўрганиш масаласи. Европа тадқиқотчилари томонидан ўлкамизнинг ўрганилиши. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини ўрганишга бўлган эътибор.

## **2-мавзу. Ўзбекистоннинг тарихий географик ўрни ва табиий иқлим шароитлари**

Ўлкамизнинг тарихий-маданий вилоятлари Бактрия, Маарғиёна, Суғдиёна, Хоразм, Уструшона, Чоч, Фарғонанинг географик ўрни. Антик даврида ўлкамизнинг қадимги давр тарихий географик ўрни. Кушонлар даври тарихий географияси. Илк ўрта асрлар даврида ўлкамиз тарихий географияси. IX-XIII асрлар тарихий географияси. Амир Темур, темурийлар ва шайбонийлар даври тарихий географияси. Хива, Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлигининг географик ўрни. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлиниши ва рельефи. Иқлим шароитлари. Сув ресурслари. Табиий ўсимликлар қатлами ва ҳайвонот оламининг ўзига хослиги. Табиий иқлим шароитлари ва ландшафтлар типи.

## **3-мавзу. Археологик ва меъморий ёдгорликларнинг ўлкашуносликда тутган ўрни**

Ўлкамиз тарихини ўрганишда археология фанининг тутган ўрни ва аҳамияти. Моддий манбалар ва табиий манбалар. Тош даври хусусиятлари. Тош хўжалиги ва моддий маданияти. Тарихий-маданий жараёнлар. Ишлаб чиқарувчи хўжалик шакллари (деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик) ўтиш ва уларнинг кейинги тараққиёти. Бронза ва темир даврлари хусусиятлари. Ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи қабилаларнинг тарқалиши. Уларнинг хўжалиги ва моддий маданияти. Ўлкамизда Антик даври меъморчилиги ва санъати, илк ўрта асрлар даври шаҳарлари ва меъморий обидалари. Ўзбекистоннинг XI-XIII аср бошларимеъморий ёдгорликлари ва меъморчилиги. Ўзбекистоннинг Амир Темур, Темурийлар ва Шайбонийлар даври меъморчилиги асрлар даври меъморчилиги. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиги меъморчилиги. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда олиб борилган археологик тадқиқот ишлари ва уларнинг асосий натижалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йилда қабул қилинган "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг ўлка тарихини ўрганишдаги ўрни.

## **4-мавзу. Палеонтопология ва этнографик маълумотларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти**

Ўлкашуносликни ўрганишда палеонтопология маълумотларнинг ўрни. Антропология ва этнология фанининг тадқиқот объектлари. Ўзбекистоннинг қадимги одам тарқалган ҳудуд эканлиги (Тешиктош, Самарқанд топилмалари). Ўзбекистон ҳудудида замонавий одамларнинг пайдо бўлиши ва воҳа бўйлаб тарқалиши. Қадимда ўлкамизда мажуд бўлган ирқлар, монголоид ирқининг ўлкамизга кириб келиши. Ўлкамиз қадимги аҳолисининг антропология шакллари ва типи. Тошкент воҳасининг қадимги аҳолиси. Кушон Бактрия аҳолиси, Зарафшон воҳаси аҳолиси, Фарғона водийсининг қадимги аҳолиси. Ўлкамиздаги этник гуруҳлар. (Сўғдлар, бактрияликлар, хоразмликлар, сак ва массагетлар) Антик

даври миграциялари ва этник жараёнлари. Ўрта асрларда туркий тилли халқларнинг кириб келиши масалалари ва унинг босқичлари. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг этник таркиби. Ўлкамиз этнографиясининг ўрганилиши. Дастанлар этнографик маълумотлар. Қадимги ва ўрта асрларда яратилган манбаларда этнографик маълумотлар. Россия ва Европа тадқиқодчилари томонидан ўлкамиз этнографиясининг ўрганилиши. Қадимги диний тасаввурлар, урф-одат ва иримлар.

### **5-мавзу. Тарихий ўлкашуносликни ўрганишда ёзма ва архив манбаларнинг тутган ўрни**

Ёзма манбаларнинг аҳамияти ва уларнинг турлари. Ўлкамиз тарихи тўғрисидаги дастанлар маълумотлар: «Авесто», қадимги форс манбалари, юнон-рим муаллифларининг асарлари. Хитой манбалари. Қадимги ёзув ёдгорликлари сўғд, бақтрия ва хоразм ёзувлари. Ўрта асрлар даври араб ва маҳаллий муаллифларининг асарлари, уларда ўлкашуносликга оид маълумотлар. Туркий ўзбек тилидаги тарихий манбалар. XIV-XVII асрларда яратилган манбалар ва уларнинг таҳлиллари. Архив манбаларининг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Архившунослик тўғрисида умумий маълумотлар. Қадимги ва ўрта асрлар даври архивлари. Архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида умумий маълумотлар. Тарихий жараёнларни ёритишда ва ўлкашуносликни ўрганишда архив ҳужжатларининг ўрни. Мустақиллик даврида архив ҳужжатларининг ўрганилиши. Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида архив ишлари тизими. 2010 йил “Ўзбекистон Республикаси архивлар иши тўғрисидаги” қонуннинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти.

### **6-мавзу. Топонимик манбаларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти**

Топонимика тушунчаси ва унинг мақсади. Географик жой номларини ўрганишда топонимиканинг ўрни. Топонимиканинг фан сифатида шаклланиши. Топонимикага оид асосий илмий терминлар мазмуни. Топонимиканинг 2 қисмга: микро ва макро топонимларга бўлиниши. Уларнинг фарқли хусусиятлари. Ўзбекистон топонимикасига оид атамаларнинг ёзма манбаларда қайд этилиши. Ўзбекистонда топонимик тадқиқотлар тарихи. Топонимик маълумотлар тўплаш услублари. Топонимикада антропонимларнинг ўрни. Республика вилоятлари жойларининг топонимикаси. Топонимиканинг хронологик даврларга бўлиб ўрганилиши. Топонимиканинг бўлимлари: гидронимика, ойконимика, оронимика, урбаномика, этнонимлар, патронимлар, хронимлар, зоонимлар, религонимлар, теонимлар ва бошқалар.

### **7-мавзу. Музейларнинг ўқув-тарбиявий ишларда тутган ўрни**

Музейларнинг ўлкамиз тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Фан тизимида музейшунослик. Ўзбекистон Республикасидаги музейлар ва уларнинг ўлкамиз тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Моддий ва маънавий меросни асраш ҳамда тарғиб этишда музейларнинг ўрни. Музей турлари, илмий тадқиқот, маданий – маърифий ишлар олиб бориладиган музейлар, фақат бир соҳа бўйича илмий – тадқиқот ишларни олиб бориладиган музейлар. Музейларнинг ўқув-тарбиявий

ишларда туган ўрни. Туркистонда ташкил этилган дастлабки музейлар. Туркистонда ташкил этилган илк музейлар фаолияти. Ўзбекистонда 1917-90 йилларда ташкил этилган музейлар фаолияти. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги ташкил этилган музейлар ва уларнинг фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. «Музейлар тўғрисида»ги Қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши ва унинг аҳамияти.

### **8-мавзу. Ўрта Осиё шаҳарларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши**

Шаҳар тарихий категория сифатида. Иерархия функциялари. Ўрта аср шаҳарларининг таркибий қисмлари. Ўрта Осиё ўрта аср шаҳарларини ўрганишда тадқиқотчи-ориенталистларнинг ҳиссаси. Шаҳарларнинг тарихий топографиясини ўрганиш услубиятига кириш. Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклининг қарор топиши цивилизация шаклланишининг илдизи сифатида. Энеолит даври технологик ўзгаришлар. Жанубий Туркманистонда манзилгоҳлар иерархияси. Йирик манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши. Номозгоҳдепа, Олтиндепа, Қорадепа Бронза даври йирик марказларнинг шаклланиши ва уларнинг протошаҳар характери. Сўнгги бронза даври протошаҳар маданиятининг Бактрия, Марғиёна ва Сўғднинг ҳудудларида ривожланиши. Саразм, Гонур, Жарқўтон, Дашли 3 ва бошқалар. Ўрта Осиёнинг илк темир даври қадимги шаҳар марказлари тараққиёти. Афросиёб, Кўктепа, Ерқўрғон, Узунқир, Қизилтепа, Ёздепа ва бошқалар. Ўрта Осиё шаҳарларининг ахамонийлар даври тараққиёти. Мил. авв. 327-329 йиллар. Александр Македонский. Мил. авв. III аср ўрталари. Юнон-Бактрия подшолиги. Юечжилар (Тохарлар). Тохаристан. Кушон подшолиги. Қоратепа. Зартепа. Айртом. Эски Термиз. Фаязтепа. Зўрмола. Кампиртепа. Шуроб кўрғон. Окс Александрияси. Антиохия. Холчаён, Дальварзинтепа. Бактрия-Тохаристон. Довон. Гуйшуан. Салавкийлар. Антиохия Сўғд. В. Томашек. Пефтингер жадвали. Қанғ конфедерацияси. Тупроқ-қалъа ёдгорлиги. Илк ўрта асрлар даврида шаҳар-маданиятининг инқирози. Иқтисодий кўтарилиш; кўҳна (Самарқанд, Бухоро, Янги Панжикент ва Пойканд) шаҳар марказларининг ривожланиши. Сўғд маданиятининг қўшни ҳудудларга таъсири. Ўрта Осиё ўрта аср шаҳарларининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарлари билан параллел ривожланиши. Ўрта асрлар даврида Ўрта Осиё олимлари асарларида “шаҳар” тушунчаси. X-XII асрларда шаҳар маданияти равнақи. Ўрта Осиёнинг ўрта аср шаҳарларида ободончилик.

### **9-мавзу. Жанубий Туркманистон шаҳарлари урбанизацияси**

Марв тарихий топографиясининг ўрганилиш тарихи (В.А.Жуковский, В.В.Бартольд, М.Е.Массон, ЮТАКЭ тадқиқотлари). Эркқалъа, Говурқалъа. V-VII асрларда Марвнинг ривожланиши. Шаҳристоннинг шаҳар атрофи ҳудудларига кўчиши. Султонқалъа. Янги рабодлар. XI-XIII асрнинг бошларида шаҳарлар равнақи, шаҳарлар тузилиши, мудофаа тизими, асосий маҳобатли қурилиш ишлари. Марв мўғул истилосидан сўнг. Абдуллахонқалъа. Режалаштириш. Жанубий Туркманистон ўрта аср шаҳарлари: Хўрмузфарра (Улы-Кишман), Куфен (Чугундор), Омул (Эски Чоржўй), Дехистон (Мисриан).

### **10-мавзу. Амударё ва Сурхондарё воҳаси шаҳарлари урбанизацияси**

Термиз V-VII асрларда. Шаҳар жойлашган ўрни ва тузилиши ҳақида Хитой манбалари. Термиз араблар истилоси даврида. Чағониён (Сағониён-Будрач). Сомонийлар даврида Термиз, режалаштириш, асосий қурилишлар. Араб муаллифлари маълумотлари. Термиз Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврида. Шаҳар тузилиши ва унинг мавзелари, замонавий йирик шаҳарга айланиши. Термиз мўғуллар истилосидан сўнг, шаҳар худудининг ўзгариши. Темурийлар даври тарихий манбаларида Термиз шаҳри, унинг вазифаси ва қурилиши тарихи. Термиз сўнгги ўрта асрлар даврида.

### **11-мавзу. Қашқадарё воҳаси шаҳарлари урбанизацияси**

Су-се – Кеш – Китоб илк ўрта асрлар пойтахти. Кеш тарихий хужжатларда. IX-XII асрлардаги Кеш ҳақида археологик маълумотлар. Ўрта асрларда Шахрисабз. Қашқадарё дарёсининг юқори ва ўрта оқимларидаги ўрта аср шаҳарлари, тарихий ва археологик маълумотлар. Қамайтёпа, Олтинтапа (Новқад-Қурайш), Кишмиштепа. Амир Темур ва темурийлар даврида Шахрисабзнинг гуллаб-яшнаши. Режалаштириш, асосий меъморий ёдгорликлар. Нахшаб илк ўрта асрларда. Ерқўрғон шаҳри. Режалаштириш, сўнгги археологик тадқиқотлар. Ўрта Асрлардаги Насаф (Шуллуктепа), Касба (Касби), Безда (Кўҳна Фазли), Губдин (Таллисарт), Қарши. Шаҳарнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақидаги тарихий маълумотлар. Режалаштириш, ўрта асрлардаги Қаршининг асосий меъморий ёдгорликлари.

### **12-мавзу. Самарқанд. Ўрта Зарафшон шаҳарлари урбанизацияси**

Ўрта асрлардаги Самарқанд топографияси ҳақида (В.В. Бартольд, А.И.Вяткин, А.И. Массон ва бошқалар). Хитой ва араб географлари Самарқанд ҳақида. Арк, шахристон, работлар ривожининг ўсиш босқичлари. Хунармандчилик даҳалари. Мудофаа тизими, сарой ва ибодатхоналар, турар- жойлар қурилиши. Панжикент-археологик режа асосида энг кўп ўрганилган Ўрта Осиёнинг илк ўрта аср шаҳри. Режалаштириш, мудофаа тизими, турар-жойлар, хунармандчилик, савдо иншоотлари, сарой, ибодатхоналар қурилиши, ободончилик. Миёнқалъа шаҳри.

Самарқанд Амир Темур ва темурийлар даврида. Амир Темурнинг шаҳарлар қурилишига оид сиёсати. Меъморий режали қарорлари. Асосий маҳобатли қурилишлар. XIV-XV асрларда сарой-боғлар меъморчилиги.

### **13-мавзу. Бухоро воҳаси шаҳарлари урбанизацияси**

Бухоро илк ўрта асрлар даврида. Варахша, Ромитан, Вобкент. Пойканд- савдо шаҳар-давлати. Археологик тадқиқот натижалари. Турар-жой, сарой, ибодатхоналар меъморчилиги. Бухоро - Сомонийлар давлатининг пойтахти, тарихий манбалар ва археологик маълумотлари. Бухоро Амир Темур ва темурийлар даврида. Шайбонийлар даврида Бухоронинг равнақи. Режалаштириш, даҳалар, асосий ҳашаматли қурилишлар. Тарихий манбалар. Бухоро XVII асрда.

### **14-мавзу. Хоразмнинг ўрта аср шаҳарлари урбанизацияси**

Хоразм илк феодал шрҳарларининг вужудга келиши. Режалаштириш ва асосий меъморий қурилишлар ҳақида тарихий манбалар ва археология



маълумотлари. Қиёт, Урганч (Гурганч), Хазорасп, Миздахан. Амударё ўзанининг ўзгариши ва янги ҳудудларда шаҳарларнинг ривожланиши. Хоразм воҳаси шаҳарлари вазифаси. Хоразм шаҳар маданиятининг равнақи (XII-XIII асрлар).

### **15-мавзу. Чирчиқ ва Ангрен водийси шаҳарлари.**

#### **Ўрта асрларда Тошкент воҳаси урбанизацияси**

Илк ўрта асрлар даврида Чоч ва Илоқ шаҳарлари йўлларининг шаклланиши. IX-XI асрларда Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг равнақи. Қанқа (Харашкат), Мингўрик. (Тарбанд), Бинкат. Цитадель, шаҳристон, рабоблар X-XI асрларда. Чоч шаҳарлари ҳақида араб географлари маълумотлари. Тункат, Банокат (Шохрухия) ва бошқалар. Чоч ва Илоқ илк ўрта асрлар шаҳарларининг ривожланиши вазифалари. Тошкент XIV-XVI асрларда. Режалаштириш, меъморий ёдгорликлар.

### **16-мавзу. Фарғона, Еттисув ва Жанубий Қозоғистон ўрта аср шаҳарлари урбанизацияси**

Минтақа шаҳар маданияти вужудга келиш жараёнида Буюк Ипак йўли савдосининг таъсири. Хитой ва араб манбаларида Фарғона шаҳарлари. Ўрта асрлар даври шаҳарлари: Ахсикат, Қува (Қубо), Ўш, Ўзган, Хўжанд, Кўкон. Режалаштириш, асосий меъморий қурилишлар. Андижон XIV-XVI асрларда. Еттисувда Сўғд мустамлакачилиги. Қизилдарё, Оқ-Бешик (Болосоғун) XI-XII асрларда. Еттисув шаҳарларининг равнақи. Янгикент, Исфижоб, Сиғноқ, Ўтрор, Тароз, Талас водийси шаҳарлари араб манбаларида. Шаҳарлар ривожланишида ўл зоналарининг ўрни.

### **17-мавзу. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари урбанизацияси**

XV-XIX асрнинг I ярми Ўрта Осиё шаҳарлари ҳақида ёзма манбалар.

Хирот Алишер Навоий даврида. Шохрух ҳукмронлиги (XV аср I ярми) даврида шаҳарсозлик фаолияти. Сўнгги ўрта асрлар Балхи. Бухоро XVIII-XIX асрларда. Даҳалар, саройлар, турар-жойлар, диний иншоотлар меъморчилиги. Хива сўнгги ўрта асрларда. Режалаштириш, асосий меъморий ёдгорликлар. Тошкент XVIII-XIX асрларда, асосий туманлар.

## **IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотларда талабалар Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари масалаларини ўрганадилар. Шунингдек семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмалар қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Семинар машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўлкашунослик фанининг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан.

2. Европа тадқиқотчилари томонидан ўлкамизнинг ўрганилиши.
3. Ўзбекистоннинг тарихий географик ўрни ва табиий иқлим шароитлари
4. Археологик ва меъморий ёдгорликларнинг ўлкашуносликда тутган ўрни
5. Ўлкамизда Антик даври меъморчилиги ва санъати, илк ўрта асрлар даври шаҳарлари ва меъморий обидалари
6. Палеонтопология ва этнографик маълумотларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти
7. Европа тадқиқотчилари томонидан ўлкамиз этнографиясининг ўрганилиши
8. Тарихий ўлкашуносликни ўрганишда ёзма ва архив манбаларнинг тутган ўрни.
9. Ўрта асрлар даври араб ва маҳаллий муаллифларининг асарлари, уларда ўлкашуносликга оид маълумотлар
10. Топонимик манбаларнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти
11. Музейларнинг ўқув-тарбиявий ишларида тутган ўрни.
12. Ўлкамиз тарихини ўрганишда топонимика фанининг тутган ўрни.
13. Вилоятлар топонимикаси.
14. Араб манбаларида ўлкашуносликга оид маълумотлар.
15. Ўзбекистоннинг маъмурий ҳудудий тузилиши ва рельефи.
16. Мустақиллик даврида ўлкамизда олиб борилган ишлар.
17. Ўрта Осиё шаҳарларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши
18. Жанубий Туркманистон шаҳарлари
19. Амударё ва Сурхондарё воҳаси шаҳарлари
20. Қашқадарё воҳаси шаҳарлари
21. Самарқанд. Ўрта Зарафшон шаҳарлари
22. Бухоро воҳаси шаҳарлари
23. Хоразмнинг ўрта аср шаҳарлари
24. Чоч ва Илоқ илк ўрта асрлар шаҳарларининг ривожланиши вазибалари.
25. Фарғона, Еттисув ва Жанубий Қозоғистон ўрта аср шаҳарлари
26. Ўрта асрлар даври шаҳарлари: Ахсикат, Қува (Қубо), Ўш, Ўзган, Хўжанд,

**Изоҳ:** Фан учун ишчи дастур тузиш жараёнида мазкур мавзулар рўйхатидан семинар машғулоти учун ажратилган соат ҳажмига мос ҳолда мавзу танлаб белгиланади.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- семинар машғулотирига тайёргарлик;
- дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларни ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув, илмий, тадқиқот ишларини бажариши билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубларидан фойдаланадиган ўқув машғулотири.

Тавсия этиладиган мустақил иш мавзулари:

1. Ўлкамиз тарихини ўрганишда археологик ёдгорликларнинг ўрни.
2. Туркистонда дастлабки илмий жамиятларнинг ташкил этилиши
3. Тошкент воҳасининг қадимги аҳолиси, Қушон Бақтрия аҳолиси.

4. Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши.
5. IX-XVII асрларда ўлкамиз тарихий географияси.
6. Қадимги диний тасаввурлар, урф-одат ва иримлар.
7. Араб тарихчилари нигоҳида ўлкамиз.
8. Республика вилоятлари жойларининг топонимикаси.
9. Ўлка тарихини ўрганишда музейларнинг ўрни
10. Мустақиллик йилларида ўлкашунослик
11. Ўлкамиздаги қадимги ва ўрта асрлар шаҳарлари.
12. Жанубий Туркманистон шаҳарлари
13. Амударё ва Сурхондарё воҳаси шаҳарлари.
14. Қашқадарё воҳаси шаҳарлари.
15. Қашқадарё дарёсининг юқори ва ўрта оқимларидаги ўрта аср шаҳарлари.
16. Бухоро воҳаси шаҳарлари.
17. Хоразмнинг ўрта аср шаҳарлари.
18. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари
19. Ўрта асрларда Тошкент

**Изоҳ:** Фан ишчи дастурини шакллантириш жараёнида мазкур машғулот учун ишчи ўқув режада кўрсатилган соатлар ҳажмига мос мавзулар рўйхати шакллантирилади.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. History of civilizations of Central Asia. UNESCO publishing. 1996
2. Tiller Kate English Local History: an introduction. London, 2002.
3. Gülru Necipoğlu & Alina Payne. Histories of Ornament: From Global to Local. Hardcover. 2016
4. Очилдиев Ф.Б. Тарихий ўлкашунослик. Ўқув-қўлланма. Т.: “Университет” 2008. pdf.
5. Саидбобоев З.А. Тарихий география. Дарслик. Т., 2010. pdf.
6. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008. pdf.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёв Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлашган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11,
2. Алимов И., Эргашев Ф., Бутаев А. Архившунослик. - Т1997.
3. Анарбаев А.А. Благоустройство средневекового города Средней Азии (V-нач. XIII вв). Т.,1981. pdf.
4. Аннаев Т.Ж., Шайдуллаев Ш.Б. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Самарқанд, 1997.
5. Мовлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Т., 2008 й

12. Караматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. 2009 й.
13. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. I - жилд. (Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача). Т. 2013. pdf.
14. Saidov Sh. J. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi (Eng qadimgi davrlardan milodiy VII-VIII asrlargacha). O'quv qo'llanma. T.: ToshDSHI. 2010. pdf.
15. Байпаков К. Средневековые города юга Казахстана. Алматы, 1980. pdf.
16. Древняя и средневековая культура Сурхандарьи. Т. 2001. pdf
17. З.Чориев, Т. Аннаев ва бошқалар. Ал-Ҳаким Ат- Термизий. 2008 й.
18. Кабиров А., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1990. pdf.
19. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Ўқув қўлланма. Т.: Фан, 1996. pdf.
- Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси. — Т., 1994.
20. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т., 1988.
21. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Ўқув қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1996. pdf.
22. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. Т., 2004. pdf.
23. Сагдуллаев А.С., Аминов Б.Б., Якубов Б.С. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. Қарши. 1997.
24. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Т., 2000. Pdf
25. Хужайов Т. Хужайова Г. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи. — Т., 1995.
26. Erica Hunt. Local History. Segue Foundation. New York. – 1993.
27. Хужайов Т. Қадимги аجدодларимиз қиёфаси. — Т., 1992.

#### **Интернет сайтлари:**

1. [www.history.ru](http://www.history.ru)
2. [www.natura.com](http://www.natura.com)
3. [www.archaology.ru](http://www.archaology.ru)